2012 йил — Мустаҳкам оила йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 12-APREL, PAYSHANBA, 44 (7971) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


Наманган Вилояти

## ИШЛАШ ВА ИЗЛАНИШДАН толиқмайдиган фермер



**Чуст туманидаги "Саъди Файз" фермер хўжалигининг умумий ер майдони 134,4 гектар бўлиб, шундан пахта ва ғалла майдони 111,7 гектарни, 2 гектарини эса мевали боғлар ташкил этади. 20,7 гектари бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари учун мўлжалланган. Фермер хўжалигида ўттиз киши меҳнат қилади.**

Ўтган йил якунига кўра, хўжалик аъзолари мўлжалдаги 116,2 тонна ўрнига 163,3 тонна пахта сотиб, йиллик режани 140,5 фоизга уддалашди. Айниқса, ғалла режадаги 195,4 тонна ўрнига 230 тонна қилиб бажарилганлиги эътиборлидир. Шунингдек, боғдорчилик, сабзавот, картошка ҳамда пилла етиштириш борасида ҳам ютуқлар қўлга киритилди.

— Иқтисодий кўрсаткичларни янада мустаҳкамлаш йўлларини излаяпмиз, — дейди фермер Файзулло Саъдиев. — Жорий йилдан бошлаб беш гектар майдонда интенсив боғ барпо этамиз. Бу билан қўшимча янги иш ўринлари яратилади.

Айни кунларда "Саъди Файз" фермер хўжалигида "ТТЗ-80-11" тракторидан иккита, "Т-28-ХА-4" тракторидан иккита, битта "Класс-Доминатор" дон ўриш комбайни ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган механизмлар бор. Мавжуд техника воситаларини ишлатишда Эргашали Қўлдошев, Дилшоджон Саъдиев, Исмоилжон Ғаффоров, Ботиржон Бектановнинг хизматлари катта.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда фермерлик ҳаракатини кенгайтиришга катта эътибор берилаётгани боис мен қишлоқ мулкдорига айландим, — дейди фермер. — Ҳурматли Юртбошимиз томонидан фермерлар ҳар тарафлама қўллаб-қувватланаётганлиги янги зафар марралари сари илҳомлантирмоқда. "Ташаббус — 2012" кўрик-танловида иштирок этиб, туман ҳамда вилоят босқичида "Энг яхши фермер" йўналишида ғолибликни қўлга киритдим. Унинг республика босқичида иштирок этдим. Пойтахтда кўплаб фермерлар билан танишиб, ўзимга керакли тажрибаларни ўрганиб қайтдим. Айниқса, қашқадарёлик "Бахт" фермер хўжалигининг бошлиғи Иброҳим Холёровнинг иш тажрибалари бизга маъқул келди. Биз ҳам бу тажрибалардан фойдаланмоқчимиз.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

## САҲИФАЛАРДА:




ҲАВЗАЛАРДА БАЛИҚ КЎПАЙМОҚДА 3





НИКОҲ ОСТОНАСИДАГИ ТИББИЙ КЎРИК 5





ГАРОВ ТУРЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ 8

# ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР –
## ҲАМ ВАҚТИНГИЗНИ, ҲАМ «НАҚД»ИНГИЗНИ ТЕЖАЙДИ

**Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан "Интерактив хизматлар – солиқ тўловчилар хизматида" мавзуида кўргазмали семинар ташкил этилди. Унда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ҳамда солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш, солиқ тўловчилар билан солиқ органлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилувчи интерактив хизмат турлари ҳақида корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, бош ҳисобчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва бошқаларга кўргазмали воситалар ёрдамида маълумотлар берилди.**



■ **Сарвар ҚОДИРОВ,**
*"Qishloq hayoti" мухбири.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз солиқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганини, солиқ хизмати органлари ташкил этилган дастлабки даврларданоқ соҳага замонавий компьютер технологияларининг татбиқ қилинганлигини, бу эса вақт ва моддий ресурсларни тежаш имконини бераётганлигини таъкидлади.

Президентимиз томонидан 2012 йил 21 мартда қабул қилинган "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг янги истиқболлари белгилаб берилди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ мамлакатимизда 2012-2014 йилларда ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ва ривожлантиришнинг асосий вазифалари белгиланди. Қарорда давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига тақдим этиладиган интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш, сифатини ошириш ҳамда тегишли ахборот ресурсларидан, жумладан, қишлоқ жойларида фойдаланишни кенг йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг www.soliq.uz сайти бугунги кунда солиқ хизмати органлари ҳамда интерактив хизматлар ҳақидаги маълумотларнинг асосий манбаси ҳисобланади. Мазкур сайт орқали 16 турдаги интерактив хизмат ва бошқа қатор фойдали электрон хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган.

2011 йилнинг сентябрь ойида қўмита сайтининг фойдаланувчилар учун қулай бўлган янги шакли ишга туширилди. Унда "Жисмоний шахслар учун", "Юридик шахслар учун", "Хорижий фуқаролар учун" номли кенг ҳажмдаги фойдали маълумотларни ўз ичига олган бўлимлар ташкил этилди. Ҳозир солиқ тўловчилар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, ўз офисларидан чиқмасдан, Давлат солиқ қўмитасининг сайти орқали ўзлари учун зарур кўплаб вазифаларни бажаришлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш режажадвалидан кўчирма ёки бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ўзаро ҳисоб-китоблар, солиқ солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги зарур маълумотларни олишлари, солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини билишлари мумкин.

Тадбирда "Энг кўп бериладиган саволлар" номли янги хизмат турининг тақдимоти бўлиб ўтди. Солиқ қўмитаси сайтига жойлаштирилган бу хизмат тури орқали савол тоифасини танлаган ҳолда калит (асосий) сўз ёки иборани киритиб, солиқ тўловчи ўзининг саволига зарур жавобни дарҳол олиши мумкин. Мазкур хизматнинг бугунги кундаги базаси уч ярим мингдан ортиқ савол ва уларга берилган малакали жавоблардан иборат бўлиб, улар келгусида мунтазам тўлдириб борилади.

Сайтнинг махсус "Хорижий фуқаролар учун" бўлимига Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий инвесторлар учун яратилган ҳуқуқ ва кафолатлар ҳамда солиқ имтиёзлари рўйхати жойлаштирилган.

Солиқ тўловчиларнинг давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўрсатилаётган интерактив хизматлар ҳақидаги фикрларини ўрганиб бориш мақсадида сайтда "Сўровнома" хизмати йўлга қўйилган. Тушаётган таклиф ва истаклар дастурий маҳсулотларни такомиллаштиришда ўз аксини топмоқда. Давлат солиқ қўмитаси томонидан кўрсатилаётган интерактив хизматлардан 47 мингга яқин жисмоний шахс ва 200 мингдан ортиқ ташкилот ҳамда корхона фаол фойдаланиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасидан маълум қилишларича, жорий йил якунига қадар интерактив хизмат турларини йигирма иккитага етказиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда. Бу, ўз навбатида, солиқ тўловчилар учун ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатиш, сифатини яхшилаш ва янада қулайликлар яратиш имконини беради.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

**А.ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат.**

# БАНК ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ




**Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида банк тизимини янада такомиллаштириш борасида кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бунинг натижасида молия муассасаларининг барқарор фаолияти таъминланмоқда ва тижорат банкларининг янги банк хизматлари жорий этилмоқда. Бу эса ўз самарасини бермоқда. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари ва оилавий бизнесни ривожлантириш ҳамда ёшларнинг тадбиркорлик борасидаги бизнес лойиҳалари ва кўплаб истиқболли тармоқлар молиявий қўллаб-қувватланмоқда.**

■ **Озод ОЧИЛОВ**

Пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" Республика ярмарка-савдо марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган банк технологиялари, асбоб ускуналари ва хизматлари бўйича "BankExpo-2012" миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмада тадбиркорликни, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-режаларини қўллаб-қувватлашда банклар билан кенг ҳамкорлик қилиб келаётган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш маркази, суғурта ва лизинг компаниялари ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар ўз хизматларини намойиш этди.

Кўргазманинг очилишида эътироф этилганидек, Юртбошимиз раҳбарлигида молия-банк соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида республика банк тизимининг барқарор фаолияти таъминланиб, жаҳон стандартларига жавоб берадиган банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Энг асосийси, мамлакатимизда банк тизими ривожланиш истиқболлари халқаро рейтинг агентликлари томонидан мунтазам равишда "барқарор" деб баҳоланиб келинаётир.

Банклар томонидан тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда. Ўтган йили мазкур соҳа субъектларига тижорат банкларининг 4 триллион 41 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилгани бунинг ёрқин далилидир. Жорий йилда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурига мувофиқ кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 4,5 триллион сўмдан ортиқ миқдорда маблағлар йўналтириш режалаштирилган.

– Кўргазмани ўтказишдан асосий мақсад, банк тизмининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, тижорат банклари томонидан кредитлар ажратиш шартлари, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳолати тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш ва таништиришдан иборат, – дейди Республика Марказий банкининг Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти бош иқтисодчиси Мухиддин Қўлдошев.

Бундан ташқари, кўргазмага ташриф буюрганлар тижорат банкларининг онлайн тизимида ишловчи банк пластик карточкалари, интернет банкинг, мобайл банкинг, халқаро виза карточкалари ҳамда пул ўтказмалари каби хизмат турлари ҳақида тушунчалар олишди.

Кўргазмада банк тизими иштирокчилари бир-бирлари билан фикр алмашди ва банклар томонидан таклиф этилаётган инновацион хизматлар бўйича тақдимотлар, семинарлар уюштирилиб, иштирокчилар банк тизимида эришилган ютуқлар билан кенг танишдилар ҳамда ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олишди.

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Олтин қалам" VII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

# «ОЛТИН ҚАЛАМ»:
## МАҲОРАТ ТАНЛОВИ ВА МУНОСИБ РАҒБАТ

Танловни уюштириш ва унинг тақдирлаш тадбирини ташкил этишга алоқадор вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган ушбу йиғилишда "Олтин қалам" VII Миллий мукофоти танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Танлов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Uzreport" ахборот агентлиги ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Йиғилишда сўзга чиққан "Олтин қалам" Миллий мукофоти ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов ушбу танлов миллий ва халқаро журналистика ютуқларини кенг оммалаштириш, журналист кадрларни маҳоратини ошириш ва уларга эркин ижодий муҳит яратиб бериш ҳамда оммавий ахборот воситаларини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Танлов телевидение, радио, матбуот ва Интернет-журналистикаси йўналишлари бўйича ўтказилмоқда. Шунингдек, қатор рағбатлантирувчи номинациялар ҳам таъсис этилган бўлиб, улардан бири юртимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳамда демократик ислоҳотларни холис ва ҳаққоний ёритиб келаётган чет эллик журналистларга ажратилгани танлов кўламини янада кенгайтирмоқда. Жорий йилги танловда "Мустаҳкам оила йилига бағишланган энг яхши материал учун" номинацияси ҳам киритилди. Бу йилги танловга 450 нафардан зиёд журналист ўзининг 8 мингга яқин ижодий ишларини тақдим этди.

Йиғилишда танлов учун материаллар қабул қилиш муддати тугаганлиги эълон қилиниб, "Олтин қалам" VII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ҳайъати ва унинг ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди. "Олтин қалам" Миллий мукофоти доирасида турли номинациялар таъсис этиб келаётган БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки сингари бир қатор халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари сафига Словениядаги "Минтақавий мулоқот" халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги бўлими ҳам қўшилди.

**Соҳиба СОЛИЕВА**

Наманган Вилояти

# ҲАВЗАЛАРДА БАЛИҚ КЎПАЙМОҚДА

**Наманган вилоятида баликчиликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз самараларини бераётир.**



Поп тумани Гулбаҳор қишлоғида жойлашган «Наманган балиқ» масъулияти чекланган жамияти – вилоятдаги йирик хўжаликлардан. Жамиятнинг сунъий сув ҳавзаларида балиқнинг бир қатор сермаҳсул турлари кўпайтирилмоқда. Жумладан, 330 гектарлик сув ҳавзасида товар балиқ, 70 гектар ҳавзада балиқ чавоқлари ва 30 гектар ҳавзада она балиқлар парваришланади. 70 киши иш билан таъминланган.

Тадбиркорлик субъектлари орқали вилоят бозорларида сотилаётган хўжаликнинг балиқ ва балиқ маҳсулотларига қўшни вилоятлардан тушаётган буюртмалар ҳам кўпаймоқда. 2011 йилда 300 тонна маҳсулот бозорга чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 320 тоннага етказиш мўлжалланган. Шунингдек, бу ерда фермер хўжаликлари учун балиқ чавоқларини етиштиришни янада ошириш устида иш олиб борилмоқда.

**СУРАТДА:** *балиқчи Абдумуталлиб Ашуров.*

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

Сурхондарё Вилояти



# ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

*Қумқўрғон туманидаги Дўстлик маҳалласида истиқомат қилаётган Рустам Тўхтаев турмуш ўртоғи, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи» Ҳанифа Бегимқулова билан ҳовлидаги 4 сотих ерда иссиқхона ташкил этиб, бодринг, помидор етиштиришни йўлга қўйган. Айни пайтда иссиқхонада 40 тупга яқин лимон дарахти ҳам парваришланмоқда. Помидор ва бодрингдан йил бўйи яхшигина фойда олинаётир.*

Тадбиркор оила яқинда иссиқхона шароитида қўзиқорин етиштиришни бошлади. Биология фани ўқитувчиси Ҳанифа Бегимқулованинг таъкидлашича, қўзиқорин етиштириш унча катта майдон талаб қилмайди. Меҳр қўйиб яхши парвариш қилинса, куздан ёзгача мўл ҳосил беради. Айни пайтда бу хонадонда қўзиқориннинг қўзидумба нави парваришланиб, яхши даромад олинаётир. Инсон организми учун зарур оқсил моддаси ва минерал тузларга бой қўзиқорин махсус идишларда етиштирилиб, уруғидан кўпайтирилмоқда.

**СУРАТДА:** *Ҳ.Бегимқулова иссиқхонада.*

**Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

Навоий Вилояти

# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**Қизилтепа туманидаги "Адиз бобо" фермер хўжалигига қарашли "Суғдиёна агроиндустрия" масъулияти чекланган жамиятида сутни қайта ишлаб, турли маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилган.**

— Банкнинг 300 миллион сўм кредити ёрдамида Хитой, Россия технологиялари асосида замонавий цех ташкил қилдик, — дейди жамият директори Элёр Ҳамроев. — Бу билан 28 нафар кишини иш билан таъминладик. Даромадимиз тобора ошиб бормоқда. Ўтган йилни 313 миллион 115 минг сўм даромад, 64 миллион сўм фойда билан якунладик. Маҳсулотимиз юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётгани боис харидоргир. Бу эса ишлаб чиқариш сифат ва суръатини янада оширишда муҳим аҳамиятга эга. Хомашё базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш жамоамиз олдида турган асосий мақсаддир.

Цехда кунига 1,5 тонна сут қайта ишланиб, етти хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Жамият тез орада ўз фаолиятини янада кенгайтириш ва полиэтилен чиқиндиларини қайта ишлаш мини заводини ишга туширишни режалаштирмоқда. Бу орқали 10-15 нафардан зиёд ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган.

Халқимиз азалдан меҳнатсеварлиги, эзгуликка интилиб яшаши каби ғоят ибратли жиҳатларни турмуш тарзига айлантиргани билан ажралиб туради. "Адиз бобо" фермер хўжалигида яна бир бор шунга гувоҳ бўлдик.

**Маърифат ШАРИПОВА**

Сирдарё Вилояти

# Лойиҳа саволларга ўрин қолдирмайди

**"Тадбиркорлик фаолиятимни нимадан бошласам экан?", "Менда тадбиркорликка оид билим ва кўникмалар етарлими?", "Бизнес режа қандай ёзилади ўзи?" Бу каби саволларни тадбиркорликка қизиқувчи ёшлардан тез-тез эшитиш мумкин. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тайёрлаш, қайта ўқитиш, малакасини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш" лойиҳаси айнан ана шундай саволларга ўрин қолдирмайди.**

"Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази вилоят бўлимининг мазкур лойиҳаси ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ташкил этилган Давлат грантлари дастурида кўзда тутилган маблағ эвазига молиялаштирилиб борилди. Олти ой давом этган ушбу лойиҳанинг якуний семинари Гулистон давлат университетининг Етакчи ёшлар маркази биносида бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар босқичларидаги семинарларда муваффақиятли иштирок этган йигит-қизларнинг саралаaridан 44 нафари қатнашди. Уч кун давом этган семинар-тренингларда тингловчилар ўз бизнес режаларини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар олишди. Эндиликда энг самарали дея эътироф этилган бизнес режалар банкларга кредитлаш учун тавсия қилиниши режалаштирилган.

— Мен "Қўзиқоринни қайта ишлаш ва уларни қадоқлаш" бўйича бизнес режам билан иштирок этдим, — дейди якуний босқич иштирокчиси Шуҳрат Расулов. — Умуман олганда, семинар-тренинглар давомида жуда кўплаб қимматли маълумотларга эга бўлдик. Бир сўз билан айтганда, биз ҳар жиҳатдан саводхонлигимизни оширдик.

Лойиҳада иштирок этиш истагини билдирган 300 нафарга яқин ёшлардан ариза келиб тушган бўлса, улардан 220 нафари лойиҳага жалб қилинди. Лойиҳага жалб қилинганлар шу вақт давомида 3 босқичли семинар-тренинглар давомида саралаб борилди.

Ушбу лойиҳа қатнашчилари келгусида "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказидан консультатив ва амалий ёрдам олишлари мумкинлиги яна бир имкониятдир.

**Шаҳло АБДУСАИДОВА**

Бухоро Вилояти



# АСАЛАРИЛАР БИЛАН БИРДАЙ МЕҲНАТДА

**Жўрақул Остонов узоқ йиллар давомида Қоракўл туманида турли раҳбарлик лавозимларида ишлади. Турмуш ўртоғи Орзигул Одилова билан 4 нафар фарзандни вояга етказиб, эл корига камарбаста қилишди.**

Меҳнатга кўнгил қўйган Жўрақул ака пенсияга чиққандан кейин ҳам уйда тинч ўтира олмади. Хонадонида асалари парваришлай бошлади. Ҳатто, туманда Жўрақул асаларичи деган ном ҳам чиқарди. Олти йилдан буён асаларичилик билан шуғулланаётган отахон ҳозирда 150 оила асаларини парваришлаб, ҳар йили эл дастурхонига 2-2,5 тонна шифобахш неъмат тортиқ қиляпти.

— Жўрақул аканинг изидан бориб, ҳудудимиздаги бир неча хонадон асаларичилик билан шуғулланишаяпти, — дейди Зарафшон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Усмон Қорёғдиев. — Асаларичилик оилага тузуккина даромад келтиради. Қолаверса, Жўрақул ака бу иши билан маҳалладошларга ўрнак бўлмоқда.

**СУРАТДА:** *Жўрақул ака ўғли Эркин билан.*

**Ҳамроз АЛИ олган сурат.**

# ИННОВАЦИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ИҚТИСОДИЁТ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

**Жаҳон бозорларида рақобат кучайиб бораётган ҳозирги шароитда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг энг замонавий – инновацион шаклини ташкил этишга доир изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан шу мақсадда илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро мустаҳкам боғлиқлик механизми босқичма-босқич шакллантирилмоқда. Бунда олимлар ўз тадқиқотларини иқтисодиёт ва жамиятнинг муайян эҳтиёжларига йўналтириш имконига эга бўлса, хўжалик юритувчилар уларнинг инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашдан манфаатдор бўлмоқда. Ушбу фаолият натижаларининг жорий этилиши эса, ўз навбатида, маҳсулот рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.**

**Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ҳар йили ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси ушбу механизмнинг муҳим воситаларидан биридир. ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Шавкат СОЛИҲОВ билан шу йил 3-5 май кунлари бўлиб ўтадиган бешинчи ярмарканинг аҳамияти, хусусиятлари, самарадорлигини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашувини мустаҳкамлашга доир ишлар хусусида суҳбатлашди.**

– Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида давлатимиз раҳбари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори етакчи тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш стратегиясига мувофиқ ҳолда мамлакатимиз илмий-техник салоҳиятини кучайтириш ҳамда ундан самарали фойдаланиш ривожланган бозор иқтисодиётини ташкил этишнинг муҳим вазифаси сифатида белгилаб берилди, – дейди Ш.Солиҳов. – Президентимиз Ислом Каримовнинг 1992 йил 8 июлда қабул қилинган «Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва инновацион фаолиятни жадаллаштиришга доир муҳим масалаларни ҳал этишда илмий тадқиқотларни қайта йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун катта миқдорда маблағ ажратилмоқда.

Ҳаётга татбиқ қилинаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш илмий дастурларни амалга ошириш учун интеллектуал ресурсларни жалб этишни тақозо этмоқда. Ушбу дастурлар натижалари ишлаб чиқариш учун ниҳоятда зарур бўлиб, улар миллий иқтисодиётимиз самарадорлиги ва технологик даражасини оширишга, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотларнинг ички ҳамда ташқи бозорга чиқишига кўмаклашмоқда. Айни вақтда, реал секторни инновацион фаолиятга жалб этиш механизми ҳам мустаҳкамланмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳар йили ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси мамлакатимиз илм-фанининг ушбу соҳадаги катта салоҳиятини ҳамда унинг ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви жараёнида юзага келаётган фойдаланилмаган улкан имкониятларни яққол намойиш этмоқда.

**– Ўтган ярмаркалар қандай натижалар берди ва олимларимиз томонидан яратилган янгиликлар қайси соҳаларда қўлланилмоқда?**

– 2008 йилдан буён тўрт маротаба Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси ташкил этилди ва уларни ўтказиш давомида янгиликларни жорий этиш бўйича қиймати 51 миллиард сўмлик 1584 шартнома ҳамда аҳдлашув протоколлари имзоланди. Ярмаркаларда намойиш этилган ишланмалар саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, технологик янгилаш вазифаларини ҳал этиш, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот технологиялари, илм-фан ва таълим соҳаларини янада ривожлантиришга йўналтирилган. Айни пайтда 538 шартнома бўйича ишлар якунланди ва қолган шартномалар ҳам бажарилмоқда. Уларнинг амалга оширилиши натижасида қиймати 242,2 миллиард сўмга тенг янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил қилинди, 15 миллион АҚШ долларилик импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар тайёрланди, энергия ва ресурс харажатларини 12,2 миллиард сўмга камайтиришга эришилди.

Инновациялар ярмаркалари ўтказилгандан буён ўтган вақт мобайнида илмий ташкилотлар ва олий ўқув юртларининг иқтисодиётнинг йирик корхона ҳамда тармоқлари билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича ўзига хос тажриба тўпланди. Биргаликда кенг кўламли, аниқ мақсадли амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказилмоқда. Инновациялар ярмаркалари илм-фаннинг импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини оширишга қўшаётган ҳиссасини кўпайтириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда тармоқларни ривожлантиришга юқори малакали мутахассисларни жалб этишга ёрдам бермоқда.

Масалан, "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси корхоналарида ярмаркада сотиб олинган инновацион технологияларни жорий этиш натижасида маҳаллий хомашёдан самарали дефолиантлар ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қишлоқ хўжалиги учун 71,4 миллиард сўмлик ушбу муҳим маҳсулот етказиб берилди.

"Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик концернига қарашли корхоналар томонидан қиймати 2,3 миллиард сўмга тенг 7 турдаги фармацевтика маҳсулотларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, қандли диабет ва онкологик касалликларни даволаш учун самарали дорилар синовдан ўтказилмоқда. "Иммун-5" иммуностимуляторини, тўртинчи авлод ташхис қўйиш тест-тизимлари ва бошқа янги препаратларни ўзимизда ишлаб чиқариш технологиялари ўзлаштирилаётир.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва замонавий "Боинг" ҳамда "А-310" авиалайнерларида фойдаланиладиган махсус авиация ёқилғисини ишлаб чиқариш технологияси жорий этилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ва "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси корхоналарида




нефть-газ маҳсулотларини тозалаш бўйича импорт ўрнини босадиган сопол фильтр аппаратларини ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди.

Бу инновациялар ярмаркаларида иштирок этиш туфайли олимларимиз ва хўжалик юритувчиларнинг самарали ҳамкорлигига доир бир неча мисол, холос. Ушбу жараёнга илмий-технологик янгиликларни ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган барча тузилмалар – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, корхоналарнинг технологик ҳамда конструкторлик бўлинмалари ҳам жалб этилган.

**– Маълумотларга кўра, сўнгги беш йилда Ўзбекистон илмий маҳсулотлари экспорти 2,5 бараварга ўсган, бундан ишланмаларимиз истиқболга эга ва уларга талаб юқори, деган хулоса чиқариш мумкинми?**

– Инновацияларни жадал ривожлантириш тараққиёт асосидир. Ривожланган давлатларда истиқболли илмий-техник лойиҳаларни молиялашда бизнес фаол иштирок этади. Негаки, уларнинг натижалари технологик ва инновацион ривожланишда ҳамда янги бозорларни ўзлаштиришда кескин бурилиш ясаш имконини беради.

Ўзбекистон илм-фанининг юқори салоҳияти бутун дунёда эътироф этилмоқда. Аксарият ишланмаларимиз хорижникидан қолишмаслиги билан бирга, айрим жиҳатлари билан улардан устун бўлиб, янада илғор ҳисобланади. Мамлакатимиз олимлари томонидан олинган муҳим амалий натижалар, яратилган илмий-техник ва инновацион ишланмалар сони кўпайиб бормоқда. Уларнинг кўпчилиги Германия, Россия, АҚШ, Франция каби мамлакатларда қўлланилмоқда.

Мисол учун, дунёда "геннокаут" услуби ёрдамида яратилган пахтанинг дастлабки эртапишар, қурғоқчиликка чидамли, толасининг чиқиши ва сифати юқори бўлган ўзига хос навини Ўзбекистон илм-фани қўлга киритган улкан ютуқлардан бири, дейиш мумкин. Ҳужайра технологиялари асосида юқори сара навли уруғлик картошкани етиштириш ишлари олиб борилмоқда. Унинг йўлга қўйилиши ички бозорни юқори сифатли уруғлик билан тўлиқ таъминлаш ва уни четдан олиб келишга чек қўйиш имконини беради. Ўзбекистон олимлари томонидан яратилган бундай самарали технологиялар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Уларнинг аксарияти саноат соҳасига тааллуқлидир. Айни пайтда ушбу технологиялар Олмалиқ ва Навоий конметаллургия комбинатлари, пойтахтимиздаги "Агрегат заводи" очиқ акциядорлик жамияти, "Тошкент трактор заводи" давлат акциядорлик жамияти ва бошқа корхоналарда жорий этилаётир. Шубҳасиз, бу ишланмалар инновациялар ярмаркасида тақдим этилган ёки энди намойиш этилади.

Шу билан бирга, баъзи хўжалик юритувчилар кўплаб валюта маблағларини сарфлаб, хориж технологияларини харид қилишни давом эттирмоқда. Афсуски, улар кечаги кун технологиялари экани ва ишлаб чиқаришнинг жаҳон бозорига чиқишига ёрдам бериш ёки бермаслиги ҳақида ўйламаяптилар ҳам. Шуни унутмаслик керакки, халқаро бозорлардаги кескин рақобат шароитида ҳеч ким сўнгги авлод технологияларини сотиб, ўзига янги рақобатчилар пайдо бўлишига йўл қўймайди.

Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси олимларимизнинг янгиликларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этилишини енгиллаштириш мақсадида ўтказилмоқда. Жорий йилда ярмаркада био ва нанотехнологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари, хусусиятлари олдиндан белгиланган янги материаллар, муқобил энергетикани ривожлантирадиган, энергия тежайдиган ва сувдан тежамли фойдаланиш имконини берадиган ҳамда кўплаб бошқа технологиялар кенг намойиш этилади. Ярмаркада иштирок этиш учун қарийб 900 ариза келиб тушди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида таълим, илм-фан ва реал сектор тармоқларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштирадиган технологик платформанинг яратилиши бу галги инновациялар ярмаркасининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлади. Бундан ташқари, технологиялар трансфери бўйича хизматлар – тайёр маҳсулотни бозорга чиқариш учун фундаментал ва амалий тадқиқотлар, янги технологияларни жорий этиш ва уларни тижоратлаштириш хизматлари ташкил қилинади.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, юқори технологик тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш, иқтисодиёт реал секторини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш барчамиз учун муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Бу мақсадларга эришишда мамлакатимиз инновацион ишланмаларини молиялашнинг яхши йўлга қўйилган механизмини яратиш ёрдам беради. Бунда, ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, нафақат давлат, балки тармоқлар, корхоналар, бизнес вакиллари ҳам фаол иштирок этиши лозим. Зеро, техник тараққиёт суръатлари йил сайин жадаллашмоқда ва яқин истиқболда Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиши учун мамлакатимизда ишлаб чиқаришни мунтазам инновацион янгилаб бориш зарур.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида "Инновациялар ва инновацион фаолият тўғрисида"ги янги қонунни қабул қилиш зарурлиги қайд этилган. Айни пайтда ишлаб чиқилаётган мазкур янги қонун бу жараённи тартибга солиш ва рағбатлантиришда муҳим омил бўлади. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, чунончи, унинг муҳим воситаси бўлган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасининг амалий натижаларини оширишга қаратилган таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви жараёнини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтариш имконини беради.

**ЎзА мухбири
Анна ИВАНОВА
суҳбатлашди.**

# «ҚУШ УЯСИ»ДА НИМА ГАП?

**Даврадагиларнинг барчаси сархуш. Мезбонлар меҳмонларга илтифот кўрсатиш билан овора. Шу пайт кўчадан ушбу шодиёнанинг сабабчиси Нодир кириб келди. У бугун ўн тўрт ёшга тўлди. Биттагина арзанда ўғлининг туғилган куни сабаб барча улфат дўстларини чақирган отанинг кайфи чоғ ҳолда:**
**— Мана, қандай паҳлавон ўғлим бор, — деди.**




— Худди отасининг ўзи! Қуйиб қўйгандек...

Меҳмонлар бир-бировини эшитмай шовқин-сурон кўтаришди, қарсак чалишди, кимдир шу пайт:

— Қани йигитчага ҳам қуйинг-чи! — деди.

Қайсисини танлашни билмай бир қўлида арақ, бир қўлида вино ушлаб турган отага, "Ҳали вақтли эмасми?", дея гапирди она.

— Ҳечқиси йўқ, оийжониси, қара ўғлим бақувват йигит! Бир қадаҳ унга нима бўлади, худди филга бир таблетка аспирин бергандек гап.

Нодир чуқур нафас олиб, кўзларини юмган ҳолда аччиқ суюқликни сипқарди.

— Баракалла!

— Пишиқ! Ҳақиқий эркак бўлади...

Ҳеч ким норози ҳам бўлмади, эътироз ҳам билдирмади. На Нодирни, на отани тўхтатмади. Бу воқеанинг гувоҳи бўлганимдан кейин анча ўйладим.

Ота-оналар алкоголнинг инсон организмига, айниқса, болалар саломатлигига жиддий хавф туғдиришини англаб етишганда, юқоридаги ҳолатлар кузатилмасмиди?..

Ёш организм алкоголга жуда таъсирчан бўлади. Алкоголь боланинг мия тўқималарини ҳалок этиши оқибатида унинг марказий асаб тизимида турли касалликлар келтириб чиқаради.

Айниқса, болалар ошқозон-ичак тизимига жиддий зарар етказади. Бу даврда болаларнинг ушбу аъзолари жуда нозик бўлади. Алкоголь истеъмол қилинганда ичакда ўткир яллиғланиш юз бериб, натижада бола овқатланишининг бузилишига, организмнинг ҳолдан тойишига, бўй ўсишнинг орқада қолишига олиб келади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, жигар ҳам алкоголга жуда таъсирчандир. Жигар нафақат овқат ҳазм қилиш аъзоси, балки бутун қон орқали келадиган заҳарли моддаларни зарарсизлантирувчи "биокимёвий лаборатория" ҳамдир. Бироқ алкоголь билан заҳарланган жигар аста-секин бужмаяди, унинг фаолияти бузилади — жигар циррози ривожланади. Алкоголь бола ёки ўсмир организмига тушиб, унинг энг серсув тўқималари ҳисобланмиш қон ва мияга кириб боради. Болаларда ичкиликнинг оз миқдори ҳам оғир заҳарланишни юзага келтиради, турли касалликларни ривожлантиради, ақлий фаолиятни издан чиқаради, мантиқий фикрлаш бузилади. Бир вақтнинг ўзида тўқималар ва бошқа аъзолар фаолиятини издан чиқариб, меъёрида ишлашига халақит беради. Бола қанчалик ёш бўлса, алкоголнинг организмга кўрсатадиган токсик таъсир кучи шунчалик намоён бўлади. Ичкилик истеъмол қилиниши ичкиликбозлик аломатларининг тез ривожланишига олиб келади, бу эса ўсмирларда катталарга нисбатан 3-4 марта тезроқ шаклланади ва хавфли кечади.

Соғлом болада спиртли ичимликка нисбатан мойиллик бўлмайди. Спиртли ичимликларнинг ҳиди ва мазаси нохуш бўлиб, кўнгли тортмайди. Кўпинча болаларнинг спиртли ичимликларни истеъмол қилиш сабаблари бу қизиқувчанлик, катталарга тақлид қилиш, уларга ўхшаш истагидан келиб чиқади. Шуни ёдда тутмоқ лозимки, ичкиликка ружу қўйиш — бу биринчи навбатда, нотўғри тарбия оқибатидир, шунингдек, ичкилик ичувчига оила аъзолари, дўстлари томонидан етарли эътибор кўрсатмаслик натижасидир.

Алкоголь ўсмир организми учун ўта хавфли ҳисобланади. Машҳур немис педиатри Альбрехт Пейер ёзганидек: "Ота-оналар ва тарбиячилар алкоголнинг болаларга қандай катта зарар келтиришини тўла англаганларида эди, спиртли ичимликлар истеъмол қилинишини биргаликда бартараф этиш чораларини кўришарди. Шундагина, ўсиб келаётган авлод жисмоний ва маънавий жиҳатдан кўпгина ютуқларга эришган ва катталар ёшлар кўзига хотиржам қараган бўларди".

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА**

## НИКОҲ ОСТОНАСИДАГИ ТИББИЙ КЎРИК

*Оила мустаҳкамлиги, соғлом авлод кафолати*

**Маълумки, тиббий кўрикдан ўтиш никоҳ остонасидаги ёшлар учун соғлигидан хабардор бўлиш, аниқланган касалликларни ўз вақтида даволаш орқали оилада соғлом фарзанд туғилиши, пировардида оила мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади.**

■ **Дилором УСМОНОВА,**
*Қашқадарё вилояти Китоб тумани ФҲДЁ бўлими ходими.*

Оилавий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси билан тартибга солинади. Бу муносабатлар никоҳ, эр-хотин, ота-она, болалар, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги муносабатлардир. Тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти тўғрисида адлия органлари ҳамкорлигида жойларда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари, соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари иштирокида ўтказилган семинарларда ёлғиз ота ва оналик кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, бу ҳолатларни келтириб чиқарувчи сабаблар, уларни бартараф этиш йўллари, оила-никоҳ муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари моҳияти тушунтириляпти. Бу эса соғлом турмуш тарзига хизмат қиляпти.

Ҳа, тиббий кўрик оила ва никоҳни мустаҳкамлайди. Шу билан у келажагимиз ворисларининг жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлиб вояга етишишларини таъминлайди.



▼ **МУНОСАБАТ**

# Иффат – энг зийнатли либос

**"Ўзбекистон" телеканалида намойиш этилган "Нигоҳ" кўрсатувини томоша қилар эканман, ўйланиб қолдим: бу ҳолат нафратга лойиқми ёки ачинишга? Мулоҳаза юритар эканман, ҳар бир нарсага, воқеага муносабат билдиришдан олдин чуқур мушоҳада зарурлигини англадим. Наҳотки, ҳаё ва ибода донг таратган ўзбек аёли иффат ва номусини пулламоқда?**

Кўрсатувда бундай йўлга кирган бир аёл бунга моддий манфаатни сабаб қилиб келтиради. Ақли бутун ҳеч бир кимса бу фикрга қўшила олмайди. Халқимиз бошидан ўтказган қийинчиликларга тарих гувоҳ. Лўнда қилиб айтганда, халқимиз, хусусан, хотин-қизларимизнинг ўтган асрлар давомидаги ҳаётидан бугунгидек фаровонликни, ёруғликни топа олмайсиз. Бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият тараққиётида янада фаол иштирок этишлари учун ҳар қайси даврдагидан ҳам кўпроқ имкониятлар яратилган. Ундан фойдаланиб, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт каби кўплаб соҳаларда аёлларимиз юксак натижаларга эришмоқда. Тадбиркорлик билан рўзғорига барака киритаётган хотин-қизлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Баъзилар "Тирикчилик – айб эмас", деб ўзини оқлашга уринар. Аммо уларнинг бу тарздаги важлари тўғри эмас. Тирикчилик ҳалол йўл билан, қолаверса, юрт, халқ ҳамда ўз шаъни сақланган ҳолда юритилгандагина тўғри бўлади.

Назаримизда энг оғриқли нуқта бу – номус, ҳаё ва ибонинг тор доирадаги тушунчага айланиб қолаётганлиги эмасмикан? Маълумки, шарқда азалдан бу тушунчалар ниҳоятда қадрланган. Халқимизда ҳар қандай оғир вазиятда ҳам номусини сотиб, ундан келаётган ҳаром пулга фарзандини едириб-ичириш энг номақбул иш ҳисобланган. Шу боис, халқимиз бола тарбиясида ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратади. Тарбияда эса, аввало, оиладаги муҳит катта аҳамиятга эга. Шундай мақол ҳам бор: "Қуш уясида кўрганини қилади". Фарзандига бефарқ, бепарво ота-оналар ҳам борки, уларнинг боқибеғамлиги сабаб ёшлар билиб-билмасдан боши берк кўчаларга кириб қолишяпти. Мана оддий мисол. Яқинда касб-ҳунар коллежида дарс берадиган дугонам айтиб қолди: бир аёл "қизим уч кундан буён уйга бормаяпти, дарсга қатнашяптими, йўқми", деб сўраб келибди. Суриштиришганда қизнинг дарсдан сўнг тунги кафеда ишлаётганлиги маълум бўлибди. Ўйлаб қоласан киши, бу ҳолатда уч кун уйга бормаган қиз айбдорми ёки уч кун уйда бўлмаганидан (яна қиз бола!) хавотир олмаган ота-она?

Бу каби мисолларни эшитар эканмиз, ота-оналик вазифаси фарзандни дунёга келтириш, уни моддий таъминлашгина эмас, балки унинг маънавий оламидан хабардор бўлиш, келажаги учун қайғуриш ҳам-ку, деб ўйлаб қоласан. Айни шу бепарволик яна бир — замонавий ахборот технологиялари билан боғлиқ муаммонинг юзага келишига замин бўлмоқда. Ёшлар Интернет, уяли алоқа воситаларидан кенг фойдаланади. Аммо улардан тўғри, мақсадли фойдаланиляптими? Интернетдаги айрим танишув сайтлари нопок кимсаларнинг ёшларни ҳам нопок йўлга бошловчи воситасига айланиб қолмаяптимикан? Аммо таъкидлаш жоизки, Интернет орқали танишиб, бахтли яшаётганлар ҳам бор. Демакки, ота-она, ўқитувчининг вазифаси ёшларга ушбу қулайликлардан оқилона фойдаланишни тушунтириш бўлиб қолмоқда.

Халқимизнинг шундай пурҳикмат мақоли бор: "Бир болага етти маҳалла – ота-она". Ушбу мақол ҳозирда ўз моҳиятини бироз йўқотаётгандек, чамамда. Негаки, турмуш ташвишидан ортиб, қўни-қўшни, маҳалла-кўй билан кам мулоқотда бўламиз.

Бундай ҳолатлар юзага келмаслиги учун ота-она – маҳалла – таълим муассасалари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик тизими йўлга қўйилиши керак. Чунки бу иллатларни фақат тўғри тарбия орқалигина бартараф этишимиз мумкин.

Битта ёлғон сўз ўнта ёлғон сўзнинг туғилишига замин бўлади. Яна айтиш жоизки, бир ахлоқсизлик кўплаб ахлоқсизликнинг пайдо бўлишига шароит яратади.

